

СУД - КИМЁ АМАЛИЁТИДА АЙРИМ ТОКСИКОЛОГИК АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ БИОЛОГИК ОБЪЕКТЛАРДАН АЖРАТИБ ОЛИШ ВА ТАҲЛИЛИ

М.А.Тожиев

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: тиббиёт амалиётида кенг миқдорда марказий нерв системасининг фаолиятини тинчлантирувчи ҳамда оғриқ қолдирувчи дори воситаларидан гексамедин, феназепам, депрес, соннат, клофелин ва лидокаин қўлланиб келинмоқда. Бу дори воситаларидан меёридан ортиқ ёки ножўя қўллаш натижасида суд-кимё амалиётида захарланиш ҳолатлари ҳамда ноқонуний сақлаш ва уларни савдоси билан шуғулланиш жараёнлари суд-криминалистика амалиётида асосий масалалардан бўлиб келинмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда бу дори воситаларини биологик объектлардан ажратиб олиш шароитларини ўрганиш ва олинган эритмалардан таҳлил жараёнларини амалга ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Усуллар: суд-кимё ва суд-криминалистика амалиётларида дастлабки суд экспертизасини амалга ошириш жараёнида асосан биологик суюқликлар (қон ва пешоб) таркибидан ажратиб олиш усулларини ўрганишга қаратилган. Изланиш жараёнида ҳар бир дори воситасини аввал эритмалардан органик эритувчилар (хлороформ, этил эфири, бензол, толуол, н-бутанол, изоамил спирти) ёрдамида амалга оширилади. Экстракция жараёнини ўрганишда эритмани рН муҳитига электролитнинг таъсирига ҳамда экстракция сонига боғлиқлиги бўйича шароитлари ўрганилди. Олинган натижаларга асосланган ҳолда эритмадан гексамедин рН= 2-3, феназепам рН=9-10, депрес ва соннат рН=8-9, клофелин рН=3-4 ва лидокаин рН= 8-9 муҳитда юқори миқдорда экстракциялаб, олишга эришилди.

Натижалар: олиб борилган илмий изланишлар натижалари асосида суд-кимё ва суд-криминалистика амалиётида юқорида келтирилган дори воситаларини ва уларнинг дори шакллари биологик объектлар ва биологик суюқликлар (қон ва пешоб, ошқозон ювиндиси) таркибидан ажратиб олишда қўлланилди ҳамда уларни замонавий спектрофотометрик, юқори самарали суюқлик хроматография ҳамда термодесорбцион сирт ионлашув усулларда таҳлили олиб борилди.

Хулосалар: ишлаб чиқилган экстракция жараёнини юқорида келтирилган дори воситалари билан заҳарланиш рўй берганда биологик объектлардан ва биологик суюқликлардан олинган ажратмалар таркибидан аниқлашда фойдаланилди.